

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-24-506-516>

Шахноза Султанова,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Фалсафа” кафедраси ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миграция жараёнларида сунъий интеллект маънавий қиёфасининг замонавий тенденциялари, бозор иқтисодиёти талабларига тайёр бўлмаган, даромад манбаи паст табақаларнинг ривожланган савий-ҳаракатлари, радикал таъсирига тушунтиришдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий қиёфалари ёритилган. Шунингдек, мақолада инсоният фан ва технологияларга суяниб, ўзини таназзулга етакламаслиги учун бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: миграция, ташқи миграция, ички миграция, сунъий интеллект, легал ва нелегал эмиграциялар, маънавий қиёфа, замонавий тенденция, таклифлар.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ДУХОВНОГО ОБРАЗА ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССАХ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются современные тенденции в миграционных процессах, связанные с развитием социо-сионистских, социо-сионистских и социо-сионистских взглядов, а также с развитием социо-сионистских и социо-сионистских взглядов. кефали были разорваны. Таким образом, в статье описаны некоторые аспекты развития науки и технологий, которые могут быть использованы для того, чтобы не допустить их разрушения.

Ключевые слова: миграция, внешняя миграция, внутренняя миграция, искусственный интеллект, легальная и нелегальная эмиграция, духовный облик, современный тренд, предложения.

MODERN TENDENCIES OF THE SPIRITUAL IMAGE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN MIGRATION PROCESSES

ANNOTATION

This article examines current trends in migration processes related to the development of socio-Zionist, socio-Zionist and socio-Zionist views, as well as the development of socio-Zionist and socio-Zionist views. The mullets were torn. Thus, the article describes some aspects of the development of science and technology that can be used to prevent their destruction.

Keywords: migration, external migration, internal migration, artificial intelligence, legal and illegal emigration, spiritual appearance, modern trend, proposals.

Бугунги кунда миграция масаласи дунё бўйлаб жуда жиддий сиёсий-иқтисодий масала бўлиб, барча мамлакатларни ташвишга соладиган масалага айланди. Миграция “кўчиб ўтиш” маъносини англатиб, нафақат аҳолининг кўчиши, балки ҳайвонлар ва қушларнинг ҳам яшаш муҳити тақозоси билан бир географик макондан бошқасига ўтиши (ҳайвонлар миграцияси), кимёвий элементларнинг Ер қобиғи ёки юзасида ўз жойини ўзгартириши (элементлар миграцияси), энергиянинг бир заррадан бошқа заррага чиқиб туришига нисбатан ҳам қўлланади.

Миграциянинг турлари жуда кўп. Мамлакат ичида бир ҳудуддан иккинчисига кўчиш ички миграция дейилса, мамлакат ташқарисига чиқиб кетиш ташқи миграция дейилади. Шунингдек, ҳуқуқий асосга кўра легал ва нолегал, вақт мезонларига кўра доимий ва вақтинча миграциялар мавжуд. Вақтинча миграциянинг ўзи ҳам мавсумий (масалан, пахта мавсумида кўчиб келиб ишлаш ёки четга мавсумий иш учун чиқиш), тебранувчан, яъни тез-тез ўзгариб турадиган ҳамда тасодифий (кутилмаганда кўчиш) миграциядан иборат.

Бизни ташвишлантираётган жиҳат эса ташқи миграция, яъни юртдошларимизнинг Ватандан четга вақтинча ёки доимий кўчиб кетаётгани ва ҳолатнинг ҳамда сунъий интеллектнинг маънавий қиёфаси масаласи. Бу каби миграция сабаблари аслида хилма-хил, уларни ўрганиш эса жамият барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланади.

Одамлар нега четга чиқади? Тўғри, биринчи сабаб ишлаб пул топиш учун – ишлаб пул топиш учун. Бугун дунё бозорида иқтисодий интеграция кучайиб бормоқда. Шунингдек, ривожланган, ривожланаётган давлатлар ўртасида нисбатан ўлчови ошиб бориши юқори давлатлардан тараққий этган

давлатларга меҳнат мигрантлари тобора кўпроқ интилишига замин яратмоқда. Бозор иқтисодиёти рақобат ва ишсизликни ҳамиша ўзи билан етаклаб юради. Мустақилликдан кейин жамиятимиз тизимидаги беаёв ўзгариш ва узилашлардан сўнг мустақил тарзда оёққа тура бошлаган Ўзбекистон ҳам иқтисодий таназзул синовларидан бебаҳра қолмади. Турган гапки, бозор иқтисодиёти талабларига тайёр бўлмаган, даромад манбаидан мосуво ишсизлар синфи юзага келди. Мана шу қатлам вакиллари иш излаб, даромад топиш учун нисбатан ривожланган ва меҳнат бозорида ишчи кучига талаб юқори мамлакатларга боради. Айримлари якка ўзи баъзилари эса оиласи билан кетади.

“Хорижда ишлаш истагини билдирган шахсларни ташкилий равишда ишга юбориш бўйича бугунги кунда 20 дан ортиқ давлат билан ҳукуматлараро битим имзоланди. Миграция қиёфасини кенгайтириш орқали ўзбекистонликларни дунёнинг ривожланган давлатларига ишга жалб қилиш чоралари кўриляпти. Жумладан, охириги икки йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 70 минг киши ривожланган давлатларга ишлашга юборилди”[1].

Лекин дунёда миграциянинг бошқа сабаблари ҳам бор. Ўз мамлакатидagi сиёсий беқарорлик, уруш ва террорчилик ҳаракатлари туфайли одамлар Ватанини тарк этишга мажбур бўлади, тинч бошпана излайди. Шу маънода, қочқинлар оқими тобора ортиб бораётгани, турли ноқонуний йўллар билан бўлса-да, Европа мамлакатларига кириб боришга уринаётган ва бу йўлда кўплаб қурбонлик берилаётгани Европани хийла ташвишга солиб қўйган. Буни ҳаммамиз оммавий ахборот воситалари (ОАВ), ижтимоий тармоқлардаги турли хабарлар орқали кузатиб турибмиз. Мана шу қабиларни кўриб, кўпинча Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорлик учун шукрона ҳам келтириб қўямиз.

Баъзан қандайдир оқимларга қўшилиб ёки улар ортидан эргашиб, қайсидир сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда четга чиқишлар ҳам кузатилади. Миграциянинг бу тури ҳар қандай жамият учун хавфли. Бундай мақсадлар ортида, асосан, сиёсий тўнтаришлар, террорчилик ҳаракатлари, радикализм каби кўнгилсизликларни кўриш мумкин. Ёки ишлаш учун чиқиб кетиб, ҳуқуқий билимдаги саёзлик, ғоявий бўшлиқ туфайли борган мамлакатда турли бузғунчи мафкуралар тузоғига тушиб қолаётган ва радикал оқимлар ортидан эргашаётганларни ҳам кўриш мумкин. “Радикализм” тушунчаси шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муайян соҳасидаги жорий ҳолатни тубдан ва тўлиқ ўзгартириш хоҳиш истакларини англатади. Сиёсий, фалсафий, диний ва ҳоказо шакллардаги радикализм

ҳақида фикрлар билдирилсада, амалда кўпроқ сиёсий радикализм тушунчаси ишлатилади [2].

Умуман, мустақиллик йилларида ислом экстремизми, фундаментализми ва радикализи томонидан Ўзбекистон хавфсизлигига солинаётган таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

1. Диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотиш, демократик жамиятни обрўсизлантириш, барқарорликни ва миллий тотувликни бузишга уринмоқда.
2. Асоссиз давлатлар орқали ёшларни мутелик, эрксизлик ҳолига тушириб қўйиш, ақлига ва тақдирига ҳукмрон бўлиш.
3. Қарама-қаршиликларни келтириб чиқариб, мамлакатни парчалаб ташлаш.
4. Дин учун курашувчи жангариларнинг янги авлодини вужудга келтириш.
5. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар орасида Ўзбекистон обрўсини тўкиш.
6. Ислом ва бошқа цивилизациялар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариш.
7. Омма онгида сохта тасаввурларни қарор топтириш ва ҳоказолардан иборат.

Бундан ташқари, миграция сабаблари шунчаки, туризм ва саёҳат, таълим олиш ёки саломатликни тиклаш масалалари бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бугун четга чиқаётган юртдошларимизнинг кетишига асосий сабаб ишсизликдир. Бандлик ва меҳнат вазирлиги маълумотлари кўрсатишича, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ишсизлик даражаси 9,6 фоизни ташкил этиб, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоиз камайган бўлса, 2021 йил январь-сентябрь оиларига нисбатан 0,2 фоиз ортган [3]. Бу кўрсаткичлар ортида миллионлаб одам тақдири турганини ҳам яхши биламиз. Мана шу қатлам вакиллари таъминлаш, уларга кўмаклашиш орқали мамлакатимизда ишсизликни камайтириш учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги чет мамлакатлар билан мулоқот ўрнатиб, юртдошларимизни хавфсиз, қонуний иш ўринларига йўналтириш чораларини кўриб келади. Маълумотларга қараганда, 2022 йилнинг 6 ойида Сербияга 410 нафар, Германияга 31 нафар юртдошимиз ҳуқуқий шартнома асосида юборилиб, ишга жойлаштирилган. 2023 йилда Россияда 2 миллиондан ортиқ ҳамюртимиз меҳнат қилаётгани аниқланган. Улар орасида оғир шароитда меҳнат қилаётганлар ҳам бор. Жуда қийналиб соғлиғини бой бериб пул топаётганлар ҳам кам эмас. Кейинчалик бу пуллар нимага харж қилинади? Албатта, тўйга эллик меҳнат билан ҳам

нишонлаш мумкин бўлган бахтли кунларимизни дабдабага айлантириб, ўзимизни кўрсатамиз. Энг ёмони, мана шу ортиқча расм-русум бизни четга чиқиб ишлашга мажбур қилаётган дабдабани “элчилик, қадрият” деб, нотўғри талқин қиламиз. “Кел жонимни, соғлиғимни хатарга қўймасдан, шу тўйни кичикроқ, камхарж ўтказай. Қолган пулни болаларнинг ўқишига, келажагини таъминлашга сарфлай” демаймиз. Бир-икки йил қийналиб, топганимизни бир кунда сарфлаймиз-да, яна хуржунимизни елкага илиб, чет элга кетамиз. Аслида миграция деганининг маънавий оғриқли томони мана шу!

Миграцияни осон деб ўйламаслик лозим. Нолегал ишлаётганларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатланмаган. Чунки биринчи галда, улар етарлича ҳуқуқий билимга эга эмас. Иккинчидан, нима бўлганда ҳам маҳаллий аҳоли учун улар муҳожир. Шу боис, мигрантни сиғдирмасликлари, унга босим ўтказишлари мумкин. Демак, ичидан зил кетса ҳам, маънавий хўрликка чидашга мажбур. Чунки, бир-икки йилдан сўнг яна Ватанга қайтиб, топганини “тўй” деган юхога едириб, ҳавога сочиб келиши керак! Назаримизда, тўй ва бошқа маросимларни (жумладан, ҳозир ҳожиларни кутиб олиш билан боғлиқ турли-туман, маънили-маънисиз тадбирларни) кескин қисқартириш, миграция оқими ҳам кескин пасаяди.

Кўпинча ҳамюртларимиз чет элда ҳалоллиги, меҳнаткашлиги билан ҳурмат топгани ҳақидаги хабарларни эшитганимизда кўнглимиз хотиржам топади ва “ҳалоли бўлсин”, деб кўямиз. Бироқ кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар ҳақидаги абарни эшитганимизда ичимиздан зил кетамиз. Бағримиз қонагандай бўлади. Чунки ҳар бир инсон ўз юрти чегарасидан ташқарига оёқ босдими, мамлакатнинг юзига айланади. Агар у ёмон бўлса, мусофир юртдагилар наздида, мигрантнинг мамлакатадигилар ҳам ёмон. Башарти у ҳалол ва мард бўлса, хорижликлар учун барча ўзбек мард ва танти бўлиб кўринади. Шу оддий ҳақиқатни билмаслик ҳуқуқий саводсизликдан ўн карра оғир, аслида! Чет элга чиқиб, ахлоқсизлик, одам савдоси, гиёҳвандлик ёки террорчилик ҳаракатлари содир этаётган жуда камчилик кўплаб ибולי опасингиллари, мард ва олижаноб ака-укалари юзига кетмайдиган доғ чаплаётганини билмаётгани ёки била туриб шу ишни қиладигани ўта нодонлик ва маънавий тубанликдир. Бу ҳам миграциянинг энг оғриқли нуқталаридан.

Ривожланган давлатга айланмагунига қадар ҳар қандай мамлакат учун ташқи миграция – табиий жараён. Чунки унда иш ўринларига нисбатан ишчи кучи кўпроқ. Уларнинг ҳаммасини муносиб иш билан таъминлашга имкон етарли бўлмайди. Одамлар эса пул топиши, оиласини боқиши керак. Бунинг

учун, албатта, ишлаши лозим, ҳатто мусофир юртда бўлса ҳам. Бу хато ёки фожиа эмас, табиий ҳолат. Фақат мигрант ножўя хатти-ҳаракати билан юртдошларининг юзига оёқ босса, миллати шаънини топтаса, мана шу хато ва маънавий фожиа бўлади. Шунинг учун миграциянинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-мафкуравий жиҳатлари ҳақида жиддий ўйлаб кўриш, керак бўлса, илмий таҳлил қилиш бугун жамият олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Жаҳонда сунъий интеллект ва замонавий технологиялар шиддат билан ривожланаётган бўлса, ушбу соҳага оид халқаро ҳуқуқ ҳалигача етарли даражада тартибга солинган. “Бироқ, қарорлар қабул қилувчи доиралар, олимлар ва мутахассислар ушбу технологиялар, айниқса, сунъий интеллект инсоният келажагига фақатгина ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрга унчалик ҳам қўшилмайди. Улар бу каби замонавий технологиялар келажақда инсон назоратидан чиқиб кетиб, башарият тақдирига дахл қилиши ва ортга қайтариб бўлмайдиган оқибатларга сабаб бўлишидан хавотирланиб, бу борада қизгин баҳс-мунозаралар олиб боришмоқда” [4].

Бугун мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллари давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишга салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда. Оқилона давлат сиёсати натижасида Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларининг 2037 тасида таълим 6 тилда, яъни қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз, туркман, қозок тилларида олиб бориляпти. Бугунги кунда телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 14 тилда чоп этилмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган турли миллатга мансуб 500 нафардан ортиқ фуқароларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланган, шулардан 14 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилган [5].

Бугунги кунда сунъий интеллект барча соҳаларда дадил қўлланиляпти ва унинг таъсири кундан кунга ортиб бормоқда. Дастлаб сунъий интеллект технологиялари, асосан, илмий тадқиқот муассасаларида қўлланилган бўлса, бугунги кунда улар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бугун биз ишлаётган “ақлли” қурилмаларнинг 80 фоизи сунъий интеллектнинг қайсидир жиҳатини ўзида мужассам этган. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларда айтилишича, биз сунъий интеллект инқилоби марказида турибмиз. 2026 йилга бориб, унинг глобал бозори 39,7 фоизгача ўсиши прогноз қилинаётир.

Сунъий интеллект ишлайдиган ҳар қандай дастурий таълимот 100 фоиз аниқликни башорат қила олмайди. Мисол учун, тасвирда олинган расмда қўл

билан санаб чиқилса, 100 та дарахт бўлиши мумкин. Лекин сунъий интеллект бир сонияда тасвирдаги дарахтларни 98 та деб башорат қилади. Бу машинавий ўқитиш услубига боғлиқ.

Меҳнаткаш, мигрантлар, аёл ва болалар ҳуқуқлари кўп жойда поймол қилинмоқда. Шундай экан, инсон ҳуқуқлари бугун глобал декларацияда ёзилган шиорми ёки ҳақиқий инсоний қадриятми? Инсоният қаерга кетяпти? Бу энг оғриқли савол. Технологиялар мисли қўрилмаган даражада ўсмоқда – сунъий интеллект, биоинженерия, геном таҳрири, метаолимлар, космосга парвоз... Бироқ руҳий, ахлоқий тараққиёт бунчалик тез эмас. Давлатлар ёки ташкилотлар учун, балки ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар бир жамият учун долзарб бўлиб, инсоният фан ва технологияларга суяниб, ўзини таназзулга етакламаслиги учун қуйидаги таклифни илгари суриш мумкин:

1. Фанни мақсад эмас, восита сифатида кўриш. Фан ва технология – бу инсониятга хизмат қилиш керак бўлган қуроллардир, мақсад эмас. Агар рағбат сунъий интеллект, геноинженерия ёрдамида яхшироқ, инсофлироқ ва маърифатлироқ жамият қурилмаса, улар инсониятга эмас, инсоният уларга хизмат қилиб келади. Шунинг учун фанни инсон қадриятини ошириш, неъматни адолатли тақсимлаш, шиддатсиз ҳаёт қуриш воситаси сифатида ривожлантириш зарур.

2. Технологик тараққиёт билан маънавий тараққиётини тенглаштириш. Ҳар қандай технологик ютуқ маънавий, руҳий ва ахлоқий юксалиш билан ҳамқадам бўлмаса, у хавфлидир. Демак, мактаб ва университетларда ахлоқ фалсафаси, динлар тарихи, руҳшунослик каби гуманитар фанларга олаҳида ўрин бериш керак. Чунки ҳозирги замон одамига техник билан бирга қалб таълими ҳам муҳимдир.

3. Одам ва табиат ўртасидаги мувозанатни тиклаш. Одам ўзини табиатдан алоҳида деб ўйлаб, уни йўқ қилмоқда. Агар биз табиатга кўз билан қарашни давом эттирсак, бу на фан, на технология қутқара оладиган фалокатга олиб келади. Шундай экан, технологик ишланмалар экологик жиҳатдан тоза ва барқарор бўлиши шарт. Тарбия ва маданиятда “Инсон – табиатнинг бир бўлаги” деган тушунча маҳкам ўрнашиши лозим.

4. Қурол эмас, тинчлик учун – фан. Афсуски, илмнинг кўп қисми хануз қурол яратиш, назоратни кучайтириш, дунёга ҳукмронлик қилиш мақсадида ишлатилади. Аслида эса, илмий тадқиқотларга молия ажратишда халқаро адолат принциплари асосида иш юритиш жоиз. Масалан, бир йилга сарфланадиган маблағнинг 10 фоизини очликни тугатиш, таълимни оммавийлаштириш, касалликлар билан курашишга сарфласа, адолатдан бўлади.

5. Шахсда фикрлаш ва савол бериш маданиятини шакллантириш. Ҳар бир киши, ҳар бир ёш “Бу технология менга нима беради? Буним ким бошқаради? Шу адолатданми?” деган саволларни ўзига беришни ўрганиши даркор. Фанга сукунат билан ишониш эмас, уни мулоҳаза ва танқидий фикр билан қабул қилиш маданияти ривожлантирилиши зарур.

6. Қалбни ташлаб, ақлга суяниб бўлмайди. Ақл – йўл кўрсатувчи, аммо қалб – йўлни тўғри танловчи. Агар инсон фақат ақлга суянса, у ўз манфаатини билиши мумкин, аммо ҳақиқий яхшилиқни англамайди. Қалб, маънавият, бағрикенглик, ҳамдардлик каби тушунчалар нафақат шахсий ҳаётда, балки фан, сиёсат ва технологияда ҳам асосий мезонга айланиши жоиз. Мухтасар айтганда, одамга илм, шу билан бирга, виждон ҳам керак. Иккиси бирга бўлса, технологиялар инсонни таназзулга эмас, юксалишга етаклайди. Фикрлаш, мулоҳаза қилиш ва ўзгариш қилишга чорлов [6].

Суний интеллектдан меҳнат муҳофазасида фойдаланиш тўғри қадам, лекин уни шошилмасдан, аниқ режа ва қонунлар асосида амалга ошириш зарур. Умуман олганда, одамлар технологияга онгли, маърифий ва одилонга ёндашса, ҳар қандай технология ғамхўрлик, тинчлик ва адолат учун хизмат қилади. Илм-фан уларни етарли даражада муҳофаза қилувчи шахсга айлантиради ва сунъий интеллектни масъулият билан бошқаради.

Сунъий интеллектнинг ҳавфсизлиги – унинг кодларида эмас, инсонларнинг маънавияти, ахлоқи ва масъулиятида яшайди. Шу боисдан ҳам Герберт Спенсер таъкидлаганидек, тараққиёт тасодиф эмас, заруратдир. Сунъий интеллект инсонларга тўғри қарор қабул қилишда ёрдам бериш. Агар инсон инсонийликни асраса, сунъий интеллект фақат фойдалидир.

Умумжамиятнинг қонуни тозалаш, ҳар қандай вазиятда инсон бўлиб қолиш, уруш ва давлатлараро низоларга барҳам бериш, ер юзида тинчлик ўрнатиш учун инсоннинг ақли ва виждони билан иш тутиш лозим. Бунинг учун

1. Маълумотсизликка қарши – таълим инқилоби зарур. Жаҳолат – уруш, нафрат ва зўравонликнинг уруғи. Барча инсонлар эркин ва сифатли таълим билан таъминланиши, танқидий фикрлаши, уларда бағрикенглик, мулоқот маданияти шакллантирилиши даркор. Болаларга ёшлиқдан “инсон кадри”ни ўргатиш жоиз. Зотан, низосиз жамият – ўргатилган жамиятдир.

2. Уруш қуролига эмас, тинчлик технологиясига сармоя. Бир ракета қуролини сотиб олиш – юзта мактаб қурмаслик дегани. Давлатлар ҳарбий бюджетларининг камида 10-13 фоизини тинчлик тадқиқотларига йўналтириши керак. Халқаро битимлар билан қурол ишлаб чиқаришни

чеклаш лозим. Уруш эмас, ҳамкорликни молиялаштириш муҳим. Чунки курул қанча кам бўлса, йўқотиш ҳам шунча кам бўлади.

3. Адолатсизликка қарши – глобал қонун устуворлиги. Урушлар, кўпинча адолатсизлик туфайли бошланади. БМТни ислоҳ қилиш, яъни уни реал таъсир кучига эга, мустақил ва ҳаққоний органга айлантиришни бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Халқаро судлар ҳар бир давлатда бир хил қўлланилиши керак. “Катта давлат”ларга имтиёз берилмаслиги шарт. Иқтисодий адолат – бойликлар табақалашувини камайтириш, ҳаммага имконият яратиш зарур. Бинобарин, тенглик йўқ жойда тинчлик бўлмайди.

4. Идеологияларни эмас, инсонни устувор қилиш. Миллат, динга, тарихга, ҳудудга суянган адоватлар – одамдан устун бўлмаслиги керак. Ҳар бир қаерда туғилгани, кимга ишонгани ёки қайси миллат эканидан қатъий назар, қадрли эканини кенгайтириш, давлатлар “биз” ва “улар” деб эмас, “ҳаммамиз” деб ўйлаши маданиятини шакллантириш зарур. Инсон на паспорти, на тарихи билан эмас, инсонийлиги билан бирлашади.

5. Ахборот урушларига қарши – ҳақиқат маданияти. Ёлғон ишлаб чиқарадиган технологиялар ҳақиқатни тўлқинда ғарқ қилмайди. Сунъий интеллект, медиа ва Интернет платформаларида ахборотнинг ҳақиқийлигини текширувчи механизмларни жорий этиш, бошқарилмайдиган фейк ахборотга қарши интеллектуал иммунитет (медиясаводхонлик)ни ошириш лозим. Ҳар бир шахс билганини эмас, текширилганини тарқатишни ўрганиши керак. Зотан, ҳақиқатсиз жамият – ўз-ўзи билан уруш демакдир.

6. Ҳар бир инсонда қалб, виждон ва масъулият уйғониши. Энг катта инқилоб – инсоннинг ўз қалбидаги инқилоб. Ҳар бир киши ўз нафсини, кўркувини, нафратини енгиши устида ишлаши даркор. Қалб, ахлоқ, маънавият, кечириш, бағрикенглик – бу кучсизларга эмас, балки энг кучли одамларга хос инсоний фазилатдир. Инсон ҳуқуқ билан бир қаторда, жавобгарлик тушунчасини ҳам қабул қилиши лозим. Чунки тинчлик ташқи эмас, аввало ички ҳолатдан бошланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари кўпгина соҳалар қатори таълим, фан ва инновациялар тиббиёт ва фармацевтика тармоқларини ҳам замон талаблари асосида модернизация қилишга кенг йўл очди. Албатта, бу хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликд бўлади. Шу боис, Президентимиз 2025 йил апрель ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган мулоқот майдонлари –

“Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити ҳамда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги нуқталарида иштирокчиларга сунъий интеллектни тараққий эттиришнинг турли йўналишларда ўзаро ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди. Айни пайтда бу йўналишда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда катта лойиҳаларни амалга оширомоқда. Сунъий интеллектнинг кенг қамровли ривожланиши соҳалар қанчалик рақамлаштирилганига боғлиқ. Бу жараёнлар бир бирини тўлдирди ва узвий равишда тараққий этиб боради. Бу йўлда my.gov.uzда сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш кўзда тутилган. 2025 йил 1 сентябрга лойиҳалар ва илмий-амалий тадқиқотларни зарур маълумотлар билан таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ахборот хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда “катта маълумотлар” базасини яратиш мўлжалланмоқда. 2016 йил 1 майгача эса сунъий интеллект технологияларини жорий этиш лойиҳалари доирасида маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган ҳисоблаш қувватлари ишга туширилди [7]. Бу амалиётлар бевосита сунъий интеллектнинг тараққий этиши, янада оммалашшига замин ҳозирлайди. Зотан, сунъий интеллектнинг асоси, сифат даражаси унинг нақадар кўп рақамлаштирилган маълумотларга эга экани билан баҳоланади.

Хулоса қилиб айтганда, ер юзига тинчликни сунъий интеллект, давлат ёки қонун эмас, фақат инсоннинг ўзигина олиб кела олади. Сунъий интеллект шу йўлда кўзгу, билим ва фикр етказувчи бўлишдир. Қарор қабул қилиш эса инсонларнинг ўз қўлларидадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. –Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024.-536 бет.
2. Ҳасанбоев Ў. Радикализм // “Ислом нури” газетаси, 2022 йил 15 июл, №13(702).
3. Ахророва Ш. Миграциянинг маънавий қиёфаси қийналиб топилган пул нимага сарфланяпти? // “Янги Ўзбекистон”, 2023 йил 10 октябрь, №209 (998).
4. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. –Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024.-25-бет.
5. Жонибекова Н. Ҳориждаги ватандошлар билан алоқалар мустаҳкамланади // “Хал сўзи”, 2025 йл 26 март, №61(8956).

6. Мираҳмедов Ғ. Инсоният икки йўл қаршисида турибди. Сунъий идрок билан суҳбат // *Ishonch*, 2025 йил 1 май, №55(5119).
7. Эшмуродов С. Сунъий интеллектдан қандай мақсадда фойдалансак, натижаси ҳам шунга яраша бўлади // “ЯнгиЎзбекистон”, 2025 йил 10 май, №95.